

Ҳ У К М

Ўзбекистон Республикаси номидан

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди 2023 йил 2 июнь куни, ўз биносида, очиқ суд мажлисида судья Т.А.Обидовнинг раислигида, С.Нормуродовнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур тумани прокурорининг ёрдамчиси М.Бердиқиличованинг, судланувчи О.Магдиев ва унинг ҳимоячиси “Legal Consultant FBJ” адвокатлик бюроси адвокати Ф.Жалилованинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 248-моддаси 1-қисми билан айбланувчи:

18.02.1971 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, ҳарбий хизматга мажбур эмас, муқаддам судланмаган, ИИВда нафақага чиқган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ачаобод МФЙ, Чимбой 1-берк кўча, 11а-хонадонда истиқомат қилган, айблов хулосаси нусхасини 05.05.2023 йил куни олган, 14.02.2023 йилдан қамоқда сақланувчи Магдиев Одилжон Қодиржон ўғлига оид 1-1003-2301/319-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Магдиев Одилжон Қодиржон ўғли, 2000 йилдан 2010 йилга қадар бўлган вақт оралиғида, Ички ишлар органлари тизимида фаолият юритиб келиб, ўқ отиш тайёргарлиги бўйича ўқув машғулотларида, унга топширилган турли калибрдаги ўқ-дориларини, жами 19 дона турли калибрдаги, яъни 14 дона 9 мм, 2 дона 5,45 мм ва 3 дона 7,62 мм бўлган ўқ дориларни мунтазам равишда ўзлаштириш йўли билан қонунга ҳилоф равишда эгаллаган.

Шунингдек у, мазкур ўқ-дориларга қонунга ҳилоф равишда эгалик қилиб, тегишли рухсатномасиз сақлаб келиб, 2023 йил 11 февраль куни соат тахминан 11:00 ларда Шайхонтохур туманида жойлашган “Чорсу” буюм бозорининг “Тонги савдо бозори” деб номланувчи қисмининг автомашиналар тўхташ жойига бир дона 9 мм, бир дона 5,45 мм ва икки дона 7,62 мм бўлган ўқ дориларни, “Чорсу” метро бекатининг яқинида жойлашган фаввора ёнидаги кўчма савдо расталарининг қаршисида бир дона 5,45 мм, бир дона 7,62 мм ва уч дона 9 мм бўлган ўқ дориларни, шунингдек мазкур бозорнинг “Сут ва сут махсулотлари” савдо растаси яқинига ўн дона 9 ммли ўқ дориларни ташлаб юбориб, воқеа жойидан яширинган.

Судда судланувчи Магдиев Одилжон Қодиржон ўғлига айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 1996 йилдан Ички Ишлар органларига ишга кириб, кейинчалик Миллий Гвардия қўриқлаш хизматида ишлаб, 2021 йил 18 февраль куни афақага чиқганлигини, ИИО тизимида хизмати давомида бир йилда бир



маротаба ўқ отиш машғулотларига Юқоричирчиқ туманидаги полигонига жалб қилинганда, ўқ отиш машғулотлари учун ҳар сафар унга Макаров пистолети учун 5 дона 9 мм ўқ дори, Калашников автомати учун 5 дона 5,45 ёки 7,62 ўқ дорилари берилганлиги, шунда ҳар сафар отиш жараёнида пистолет учун мўлжалланган 9 мм ўқ дорини бир донасини ва Калашников учун бир дона 5,45 мм ёки 7,62 мм ўқ дориларини эсдалик учун олиб, ўзида сақлаб келганлигини, лекин бу қачон бўлганлигини эслай олмаслигини, тахминан 2000 йилдан 2010 йилга қадар шу тариқа ўқ дори йиғганлигини, ўқ дориларни полиэтилен пакетга ўраб, чой қутисини ичига солиб қўйиб, хонадонидида жовоннинг тепа қисмига сақлаб қўйганлиги, 2023 йил 10 февраль куни хонадонини тозалаётган вақтида, чой идишини ичида ўқ дориларни кўриб қолиб, кўрқиб кетиб, уларни йўқотиш пайида бўлганлиги, 2023 йил 11 февраль куни, уйга рўзғор қилиш мақсадида Чорсу бозорига бориб, ўқ дориларни эғнидаги спорт кийими чап чўнтагига солиб қўйганлиги, тахминан 11:30ларда Чорсу бозори, Кийим кечак сотадиган тарафдаги автотураргоҳ олдида мева чеваларни сотиб олаётиб чўнтагига қўлини солганда, ўқ дориларни кўриб қолиб, тезда бозордан чиқиб кетишга уриниб, Чорсу метро бекати томон ҳаракатланиб мева растаси олдида қанчадир миқдордаги қў дорини қутилар устига сочиб, бекатдан ўтиб, кийим кечак ёйма растаси олдидадан ўтаётган вақтида яна бир қисмини ерга ташлаб юборганлиги, сўнг бозордан чиқиб кетаётиб тилла дўконлар атрофидаги лотокларни олдида қолган ўқ дориларни ташлаб юборганлиги, орадан бир неча кун ўтиб, ИИБ ходимлари уни ушлашганлиги ва кузатув камерасида уни ўқ дориларни ташлаб кетишганлигини кўришганлигини маълум қилишганлиги, шундан сўнг унинг ўзи ўқ дориларни ташлаб кетган жойларни кўрсатганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судда гувоҳ Юсупова Ўғилхон Хакимовна Шайхонтохур тумани Чорсу бозорида савдо қилиши, 2023 йил 11 февраль куни, эрталаб Эски Жува дехкон бозори, Чорсу бекати олдидаги Фаввора ёнида кийим кечак растасида қизи Юсупова Зилола билан савдо қилиб, соат тахминан 17:30ларда растани йиғиштиришаётганда ерда 5 дона ўқ дориларни топиб олишиб, шу ерда бўлган Миллий гвардия ходимларини чақиртиришганлиги, улар ушбу 5 дона ўқ дориларни тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлигини айтиб кўрсатув берди.

Дастлабки терговда гувоҳ Юсупова Зилолахон ва Н.Худайбердиева, гувоҳ Ў.Юсупова кўрсатувларини тасдиқлаб кўрсатув берган.

Судда гувоҳ Менгбоева Қизларбас Менгтураевна 2023 йил 11 февраль куни Шайхонтохур тумани, Эски Жува дехқон бозори, Тилла дўконлар қаторида, кийим кечак растаси олдида савдо қилиб турганда, соат тахминан 12:00ларда растадаги кийим кечакларни устида бир канча қувватлагич (батарейка)га ўхшаш нарсалар турганини кўрдиб, уларни полиэтилен пакетга солиб, шериги Норқобилова Нигорадан нима эканлигини сўраганда, у ҳам билмаслигини айтганлиги, бир оздан кейин Норқобилова Нигора ҳам ўз савдо астаси олдидадан худди у топган нарсага ўхшаш жисмларни топиб олганлигини



кўрсатиб келганлиги, кейин бу нарсаларни шу ерда савдо қилаётган Алижонов Элбекка кўрсатишганда, Алижонов Элбек бу нарсалар ўққа ўхшашини айтганлиги, шундан кейин у нарсаларни полиэтилен пакетга солиб, растанинг орқа томонидаги ариққа ташлаб юборишганлиги, орадан икки кун ўтиб, ИИО ходимлари келиб, шу ерда ўқ дори бор ёки йуқлигини сўрашганда, у ариққа ташлаб юборган ўқларни курсатганлигини, ИИО ходимлари уларни тегишли тартибда хужжатларни расмийлаштириб, 10 дона ўқ дориларни далолатнома тузиб олишганлигини маълум қилди.

Судда гувоҳ Э.Алижонов дастлабки терговда гувоҳ Н.Норқобилова гувоҳ Қ.Мингбоева кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув беришган.

Судда гувоҳ Толлибоев Ширинкул Зокир ўғли Миллий гвардияда гуруҳ командири бўлиб хизмат қилиши, 2023 йил 11 февраль куни хизмат ўтаётган ходимларни, назорат қилиш мақсадида, Шайхонтохур тумани, Эски Жува деҳқон бозорига келиб, йўриқнома ўтказиб, ўз хизмат вазифамни давом этираётганида соат тахминан 13:00ларда, Чорсу бекати томонидаги автотрургоҳ яқинидаги мева сотадиган раста олдида полиэтилен пакетга ўралган қутилар устида 4 дона ўқ дориларни кўриб қолганлиги, сўнгра мазкур ҳолат юзасидан тегишли тартибда, юқори турувчи раҳбарига билдирги билан мурожаат қилганлиги, тезкор тергов гуруҳи келиб, ҳолат юзасидан тегишли тартибда баённома расмийлаштириб, холислар иштирокида мазкур ўқ дориларни олишганлигини айтиб кўрсатув берди.

Дастлабки терговда гувоҳ Умаров Бахтиёржон Лутфиллаевич 2023 йил 11 февраль куни, Чорсу бозори автотураргоҳ олдидаги расталар ёнидаги қоробкалар устидан 4 дона ўқ дориларни олишда холис сифатида иштирок этганлигини билдирган.

Тошкент шаҳар ЭКБнинг 12.02.2023 ва 13.02.2023 йилдаги, 318, 319, 327-сонли хулосасига кўра, воқеа жойидан олинган, 14 дона 9 мм ўқ дорилар отиш учун Макаров пистолети (ПМ) учун мўлжалланганлигини, 2 дона 5,45 мм ва 3 дона 7,62 мм бўлган ўқ дорилар отиш учун “Калашников” автомати учун мўлжалланган бўлиб, мазкур ўқ дорилар жанговар эканлигини ҳамда отиш учун мослиги аниқланган.

Бундан ташқари судланувчи О.Магдиевнинг айби ўқ дориларни тегишли тартибда расмийлаштириб олиш баённомаси, кузатув камерасини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, кўрсатувни воқеа жойида текшириш баённомаси билан ва жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги “Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 3-сонли қарорининг 6-бандида, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, уларни ғайриқонуний равишда ҳар қандай усулда (ўғирлик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш, талончилик, товламачилик, оқсқинчилик йўли билан) қўлга киритиш тушунилиши лозимлиги;



-ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда ҳар қандай усулда эгаллаш, айбдорнинг улардан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ёки тасарруф этиш имкониятлари бор-йўқлигидан қатъи назар, улар олинган вақтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланиши кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Жиноят ишида аниқланган ҳолатга кўра судланувчи О.Магдиев Ички ишлар органлари тизимида хизмат қилиб келиб, 2000 йилдан 2010 йиллар оралиғида, ҳар йилда бир маротаба ўтказиладиган ўқ отиш тайёргарлиги бўйича ўқув машғулотларида ҳар сафар 1 дона 9 мм, 1 дона 5,45 мм ёки 7,62 мм калибрили ўқ дориларни ўзлаштириш йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаб келган ва ҳар сафар ўқ дори қўлга киритилиши билан жиноят якунланган. Шу сабабли унинг ҳаракатларида такроран ўқ дориларни қонунга хилоф равишда ўзлаштириш йўли билан эгаллаш жинояти аломатлари мавжуд.

Бундан ташқари юқорида кўрсатилган пленум қарорининг 9-бандида, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиб юриш, сақлаш ёки ўтказиш мустақил жиноятлар эканлигини эътиборга олган ҳолда қайд этилган ашёларни қонунга хилоф равишда эгаллаш ва уларни келгусида олиб юриш, сақлаш ёки ўтказиш Жиноят кодексининг 247 ва 248-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг реал йиғиндисини ташкил қилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Баён этилганларга асосан суд судланувчи О.Магдиевнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан:

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан ўқ-дориларни ўзлаштириш йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш, такроран содир этилганликда;

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 248-моддаси 1-қисми билан ўқ-дориларга қонунга хилоф равишда эгалик қилиш, тегишли рухсатномасиз сақлашда тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди

Суд судланувчи О.Қ.Магдиевга жазо тайинлаш вақтида, унинг қилмишидан пушаймонлигини, жиноятни очилишида фаол ёрдам берганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди. Унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолатларни суд аниқламади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб белгиланган.

Суд, мазкур конституциявий норма талабларидан келиб чиқиб, судланувчи О.Магдиевга жазо тайинлаш вақтида, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга ЖКнинг 247-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари бўйича ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ушбу модда санкциясида назарда



тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини, ЖКнинг 248-моддаси 1-қисми бўйича санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, жиноят иши бўйича далилий ашё тариқасида олинган ўқ дори гилзалари ва 1 дона ДВД диск тақдирини ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ҳал қилиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Магдиев Одилжон Қодиржон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 248-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Магдиев Одилжон Қодиржон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247-моддаси 2-қисми “а,в” бандларига асосан ЖК 57-моддасини қўллаб ИККИ йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 248-моддаси 1-қисмига асосан БИР йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил О.Қ.Магдиевга ўташ учун ИККИ йил ОЛТИ ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2023 йил 14 февраль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Жиноят иши бўйича далилий ашё 9 дона гилзалар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин, 1 дона “ДВД” компакт диск жиноят иши материалларида сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукм устидан апелляция шикоят ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 сутка ичида, маҳкум томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик этувчи:

(имзо)

Т.А.Обидов

Аслига тўғри: судья

